



O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ
VATAN —
BARHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 16-fevral • Seshanba • 20 (30.140) • (Tel. Faks) 233-21-43 • 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

15 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлиси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тожмухамедова олиб борди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» маърузасидан келиб чиқадиган Олий Мажлис қўйи палатасининг вазифаларини муҳофаза қилиш мажлиси кун тартибидagi асосий масала бўлди.

Мазкур масаланинг муҳофазаси вақтида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар. Улар таъкидладиларки, аввалги чакirik Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятидаги давлатимиз раҳбари кўрсатиб ўтган камчиликлар парламент ишининг барча йўналишларини чуқур қайта мушоҳада ва таҳлил қилишни, келгуси беш йиллик даврда амалга ошириладиган қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолиятининг устувор йўналишларини аниқ белгилаб олишни, Ўзбекистонда олиб борилаётган социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотлар талаблари билан жипс боғлиқ ҳолда чуқур ва ҳар томонлама ишлаб чиқилган, узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастури қабул қилишни тақозо этади. Бунда мамлакатимизда ўтказиладиган ислохотларнинг қонунчилик ва норматив базасидаги нуқсонларга тезда барҳам беришга, шунингдек, қабул қилинган қонун ҳужжатларининг ижроси устидан парламент назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиш тақлиф қилинди.

Сўзга чиққанлар ҳозирги кунда 100 дан ортиқ ихтисослашган нодавлат нотариат туркилотларни бирлаштириб турган Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар-

нинг парламент ишида доимий равишда иштирок этиши муҳим эканлигини таъкидлаб ўтдилар. Мазкур ҳаракат вакиллари атраф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликни янада ривожлантиришга, ушбу соҳада қабул қилиб бўлинган ҳужжатларнинг сўзсиз бажарилиши учун марказда ва жойларда давлат ҳокимияти органларининг, шунингдек, турли жамоат ва бошқа тузилмаларнинг масъулиятини ошириш юзасидан тизимли ишчи ташкил этишга кўмаклашишлари керак. Ўзбекистон экологик ҳаракати ҳозирги кунда сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилган бўлиб, депутатнинг юксак минбаридан туриб атраф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини ўртага қўйиш ва назорат қилишда, инсон ва мамлакат аҳолисини экологиянинг хавфли ва тажовузкорона ўзгаришларидан сақлаб қолишда жуда катта имкониятларга эгадир.

Депутатлар таъкидладиларки, мураккаб Ўзбекистон тараққитининг ҳозирги босқичида профессионал икки палатали Олий Мажлис олдида турган мураккаб ва масъулиятли вазифаларини ҳал этиш учун парламент иши самарадорлигини ошириш йўллари тинимсиз излаш, қонунлар ва депутатлик сўровлари ташаббуси билан чиқишда юксак фаоллик ва масъулият, ўз сайловчиларининг манфаатларини ҳимоя қилишда дадиллик ва изчиллик кўрсатиш зарур. Шу муносабат билан ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан янада таъсирчан жамоатчилик назоратини таъминлаш, мамлакатимизнинг амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсатини кенг ёритиш учун сиёсий партияларнинг парламентдаги фракциялари ролини кучайтириш, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш муҳимдир.

(Давоми 2-бетда.)

«Албатта, электорат билан иш олиб боришнинг замонавий усулларида, умумэтироф этилган сиёсий технологиялардан кенг фойдаланиш, партиявий нашрларни партияларо қизгин баҳс-мунозаралар минбарига айлантириш зарурлигини ҳаммамиз яхши тушунамиз»

Партия матбуоти

унда уйғоқ фикр, сиёсий баҳс-мунозара, танқидий-таҳлилий руҳ, ҳолис ёндашув бўлиши лозим



Аввал хабар берганимиздек, ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан Миллий матбуот марказида «Партия нашрлари фаолиятини юксак талаблар даражасига кўтариш — долзарб вазифа» деб номланган давра суҳбати ташкил этилди.

Унда Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида партия нашрлари фаолиятини оид билдирган таҳлилий-танқидий фикрлари, илгари сурган ғояларидан келиб чиқадиган вазифалар муҳофаза этилди.

Бугун эътиборингизга мазкур давра суҳбати иштирокчиларининг фикр-мулоҳазаларини ҳавола этмоқдамиз.

2-бет >>>

Сиёсий партиялар ўртасида рақобат қанчалик кучли бўлса, электорат манфаатини ҳам шунчалик самарали ҳимоя қила олиш мумкин. **2**

Шартнома узайтирилмагани отишмага сабаб бўлди **3**



Жаҳон чемпионатида Ўзбекистонда янграйди! **4**



✓ 2010 йилда мамлакатимизда 950 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2010 йил 16 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловларни учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	1361,71	1 Польша злотийси	520,86
1 Англия фунт стерлинги	2401,87	1 СДР	2351,47
1 Дания кронаси	280,61	1 Туркия лираси	1014,25
1 БАА дирхами	417,68	1 Швейцария франки	1424,07
1 АҚШ доллари	1534,15	1 Евро	2104,12
1 Миср фунти	279,50	10 Жанубий Корея вони	13,35
1 Исландия кронаси	11,90	10 Япония йенаси	170,20
1 Канада доллари	1460,54	1 Россия рубли	50,87
1 Хитой юани	224,53	1 Украина гривнаси	191,53
1 Малайзия рингити	448,11		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олманган.

Ўз мухбирларимиз хабар қилади

Томди туман ҳокимлиги аҳоли бандлиги учун муайян чора-тадбирларни амалга оширяпти. Иزلанишлар самараси ўларок, туман маркази — Томдибулоқ йил сайин чирой очмоқда.

Томдида янги иш ўринлари

Яқинда туманда «Ақтау-пром инвест» шўъба корхонаси иш бошлади. 25 нафар



янги иш ўрни яратилди. «Микрокредитбанк»нинг юз миллион сўмлик узоқ муддатли сармоясига эвазига ташкил этилган бу корхона, бир кеча-кундузда 7,5 тонна сифатли оҳак тайёрлаш қувватига эга. Шунингдек, туманнинг «Кизилқудук сахарвати» ҳўжалигида ҳам худди шу банкнинг 56 миллион сўмлик муддатли кредити эвазига гўштни қайта ишлайдиган кичик корхонага асос солинди. Ун нафар томдилик йигит-қиз доимий иш ўрнига эга бўлишди.

Музафар ШАРОПОВ

Кўшимча даромад

Ўтган йилнинг кузида Жиззах туманида ХДП аъзоси Худойберди Норбеков раҳбар бўлган «Жиззах олмачи» фермер ҳўжалиги қошида нознематларни қайта ишлайдиган кичик цех ташкил қилинган эди. Дастлабки 3-4 ой ичида бу ерда 45 тоннадан ортиқ олма, ўрик, нок, беҳи, анор, олхўри, шафтоли мевалари қайта ишланди. Ва аҳоли дастурхонига ўндан зиёд турдаги тайёр маҳсулотлар етказиб берилди. Натихада ҳўжалик кўшимча 18,5 миллион сўм даромад қилди.

— Узимизнинг 15 гектарлик боғимизда ва қишлоғимизда етиштирилган мева-чеваларни замонавий усулда қайта ишлаш имконияти борлигидан хурсандмиз, — дейди Худойберди Норбеков. — Бунда бизга «Агробанк» томонидан 94 миллион сўмлик кредит ажратилгани қўл келди. Қисқа муддатда умумий қиймати 148,8 миллион сўмлик хориж технологиясини олиб келиб ўрнатдик. Шу ҳисобдан 8 та кўшимча иш ўрни яратилди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ



НАФОСАТ ВА МАҲОРАТ КўРИГИ

Бугун пойтахтимиздаги «Универсал» спорт саройида бадий гимнастика бўйича XI Осиё чемпионати бошланади

4-бет

Унда юртимиз шарафини Ҳусниябону Гуломова, Азиза Мамажонова, Сарвина Холиқова сингари етти нафар умидли бадий гимнастикачимиз ҳимоя қилади.

Дунё бўйлаб

Лондон	-6°C
Париж	-6°C
Москва	-14°C
Мадрид	-1°C
Пекин	-4°C
Гонконг	-3°C
Рим	-1°C
Анкара	2°C
Токио	-4°C
Стокгольм	-7°C
Претория	19°C
Коҳира	12°C
Гавана	9°C
Вашингтон	-9°C
Нью-Йорк	-7°C

16 февралга доир об-ҳаво маълумоти

Юртимизда

Тошкент	-1°C
Самарқанд	0°C
Нукус	-7°C
Қарши	2°C
Урганч	-5°C
Навоий	-5°C
Фарғона	-3°C
Бухоро	-2°C
Анджон	-3°C
Наманган	-3°C
Термиз	3°C
Жиззах	-1°C
Сирдарё	-1°C
Тошкент вил.	-1°C

O'zbekiston havo yo'llari



Шартнома узайтирилмагани отишмага сабаб бўлди

Ўн кунлар аввал АҚШнинг Алабама штатидаги мактаблардан бирида икки ўқувчи ўртасида отишма юз берган ва ўқувчилардан бири шифохонага етмай вафот этган эди. Энди эса айнан шу штатнинг Хантсвилл шаҳридаги университетда отишма юз берди.

Хитойнинг «Синьхуа» АА хабар қилишича, университет маъмуриятининг университет муаллими билан меҳнат шартномаси муддатини узайтирмаганлиги ушбу фожиага сабаб бўлган. Муаллими отган ўқдан уч нафар профессор қурбон бўлди, яна уч нафар ходим эса оғир тан

жароҳати олди. Яраланганлар ҳозир шаҳар госпиталида, уларнинг икки нафари оғир аҳволда. 70 минг нафар талаба ўқийдиган бу муассаса дарҳол полиция томонидан қамал қилиниб, қуролланган аёл-ўқитувчи жиноят жойида қўлга олинди. Талабаларга зиён етмади.



Хорижда

«Толибон»ларга қарши кенг миқёсли кураш бошланди

Афғонистон жанубида «Толибон» жангариларига қарши кенг миқёсли ҳарбий ҳаракатлар бошланди, дея хабар беради Британиянинг «Sky News» телеканали.

«Муштарак» деб номланган ушбу операцияда АҚШ, Буюк Британия ва Афғонистоннинг жами 15 минг ҳарбийлари иштирок этиши кўзда тутилган. Дала қўмондонларининг гапларига қараганда, улар Хилмонд музофотида 2 мингта яқин жангарининг қаршиликига учраши мумкин. Бу жангарилар орасида хорижий ёлланма аскарлар ҳам бор.

Ҳарбий операциялар олиб борилаётган Маржа

шаҳри ва унинг атрофида яшовчи аҳолининг 80 мингга ўз яшаш манзилларини ташлаб чиқиб кетди. Амма жангарилар аҳолининг кетишига тўсқинлик қилмоқда. Афтидан улар тинч аҳолидан тирик қалқон сифатида фойдаланишни режалаштиришган.

Таъкидлаш лозимки, «Муштарак» ҳарбий ҳаракатлари 2001 йилдан бери давом этаётган толибонларга қарши курашдаги энг йирик ҳарбий операциядир.



чиқилиши ҳақида қарор қабул қилди. Бироқ апелляция кўмитасининг бу қарори ҳуқуқматга ёқмади ва ҳуқуқмат бу қарорни ноқонуний, деб топди (Ироқ қонунчилигига кўра, «Баас» партияси аъзолари давлат органлари ла-

возимларига қўйилмади). Шу боис марказий сайлов комиссияси мамлакат маъмурияти бир тўхтамагача келиши учун 7 февралга белгиланган сайловдаги тарғиботи кампаниясини 12 февралга сурди.

Сайловолди кампанияси давом этмоқда

Ироқда парламент сайловларининг сайловолди тарғиботи кампанияси бошланганига 4 кун бўлди. Аслида бу жараёнга 7 февралда старт берилиши лозим эди. Амма мамлакат маъмурияти вакиллари орасидаги турли қарашлар бу муддатни ортга суриб юборди.

«BBC News» маълумотларига қараганда, Ироқнинг марҳум президенти Саддам Хусейн раҳбарлигидаги «Баас» партиясига алоқадорликда гумон қилинаётган 500 нафар номзоддан 170 нафарининг сайловда иштирок этиши ёки этмаслиги масаласи ҳануз ечиммай ётибди. Уларнинг ҳужжатлари текширилмоқда.

Маълумки, январь ойида Ироқ марказий сайлов

комиссияси 500 нафар номзодни «Баас» партиясига алоқадорликда гумон қилиб, уларнинг сайловда иштирок этишига рухсат бермаган эди. Лекин 3 февраль кунини апелляция кўмитаси сайлов комиссияси қарорини бекор қилди ва «баас»чилар ҳам сайловда иштирок этишига рухсат берди. Уларнинг ҳужжатлари ва «Баас»га алоқадорлиги сайловдан кейин ўрганиб

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

СИРДАРЁ — СЎХ ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ ГИДРОГЕОЛОГИЯ-МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ

ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Объект номи:

ЛОТ-1:

ЛОТ 1-1. «Фарғона вилояти, Олтиариқ туманидаги «Шимоллий Қизилтепа» зовур тизимини таъмирлаш ва тиклаш ишлари (L=102,0 км)» ҚМИГа.

Бошланиш муддати — 1.06.2010 й.
Яқунлаш муддати — 31.12.2010 й.
Бошланғич нархи — 476,970727 млн. сўм.

ЛОТ 1-2. «Фарғона вилояти, Риштон туманидаги «Йиғувчи Бўтқа» зовур тизимини таъмирлаш ва тиклаш ишлари (L=44 км)» ҚМИГа.

Бошланиш муддати — 1.06.2010 й.
Яқунлаш муддати — 31.12.2010 й.
Бошланғич нархи — 225,926822 млн. сўм.

Объект номи:

ЛОТ-2:

ЛОТ 2-1. «Фарғона вилояти, Бешарик туманидаги «Шеробод-2» зовур тизимини таъмирлаш-тиклаш ишлари (L=63,105 км)» ҚМИГа.

Бошланиш муддати — 1.06.2010 й.
Яқунлаш муддати — 31.12.2010 й.
Бошланғич нархи — 427,156142 млн. сўм.

ЛОТ 2-2. «Фарғона вилояти, Фурқат туманидаги «Чап қирғоқ-Кўк дўппи» зовур тизимини таъмирлаш-тиклаш ишлари (L=67,295 км)» ҚМИГа.

Бошланиш муддати — 1.06.2010 й.
Яқунлаш муддати — 31.12.2010 й.
Бошланғич нархи — 397,929123 млн. сўм.

Буюртмачи: Сирдарё — Сўх Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси.

Манзили: Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 72-уй, тел: 224-27-50, 224-27-75.

Қурилиш-монтаж ишлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар кўйидаги шартларга мос келишлари керак: ўйишча объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорда айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағни тақдим қилишга банк кафолатномаси мажбурлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурслари

рига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қўйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобла олинади. Савдода қатнашиш ва тан-

лов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қўйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиб кўриш ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўн беш кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Ҳурматли фермер хўжаликлари раҳбарлари, тадбиркор ва ишбилармонлар, деҳқон хўжаликлари ва шахсий томорқа эгалари!



мамлакатимизнинг барча ҳудудларида фаолият кўрсатаётган 185 та туман ва шаҳар филиаллари, 468 та минибанки, 189 та махсус кассалари орқали 270 мингдан ортиқ юридик шахс мақомига эга бўлган мижозларга ҳамда 1 миллиондан ортиқ жисмоний шахсларга банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

2009 йил давомида Агробанк томонидан:

республикада чорвачиликни ривожлантиришга йўналтирилган 4 858 та лойиҳани молиялаштириш учун ажратилган 23 миллиард 700 миллион сўм кредит ҳисобига чет эллардан 21 388 бош зотдор қорамоллар келтирилди, 443 тонна гўшт, 15 511 тонна сут маҳсулотлари етиштирилди ва 10 535 та янги иш ўринлари ташкил қилинди;

гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мини технологиялар ва ихчам ускуналар сотиб олиш учун ажратилган 7 миллиард 400 миллион сўм кредит ҳисобига 1 339 та иш ўринлари ташкил қилинди;

ҳудудларда чорвачилик учун озуқа базасини кенгайтириш, жумладан омухта ем, шрот ва шелуха сотиш шохобчаларини ташкил этиш ҳамда айланма маблағларни тўлдириш учун ажратилган 9 миллиард 500 миллион сўм кредит эвазига 323 та янги иш ўринлари яратилди;

паррандачиликни ривожлантиришга қаратилган 386 та лойиҳани молиялаштиришга ажратилган 10 миллиард 100 миллион сўм кредит ҳисобига паррандалар сони 1 миллион 689 мингга кўпайтирилиб, 20 миллион 533 минг дона тухум, 270 тонна парранда гўшти етиштирилди, 2 797 та янги иш ўринлари яратилди;

балиқчиликни ривожлантиришга қаратилган 137 та лойиҳани молиялаштиришга ажратилган 1 миллиард 500 миллион сўм кредит ҳисобидан 296 та янги иш ўринлари яратилди ҳамда 405 тонна ёки 1 миллиард 200 миллион сўмлик балиқ маҳсулотлари етказиб берилди;

асаларчиликни ривожлантиришга қаратилган 95 та лойиҳани молиялаштиришга ажратилган 1 миллиард 100 миллион сўм кредит ҳисобига 2 525 та янги асалари оиласи яратилиб, 162 та янги иш ўринлари ташкил этилди ва 100 тонна ёки 1 миллиард 200 миллион сўмлик асал истеъмолчиларга етказиб берилди;

иссиқхоналар ташкил этишга қаратилган 299 та лойиҳани молиялаштиришга ажратилган 9 миллиард 300 миллион сўм кредит ҳисобидан 1 499 та янги иш ўринлари яратилди ва 24 миллиард 700 миллион сўмлик маҳсулотлар истеъмолчиларга етказиб берилди;

4 796 та шахсий томорқа эгалари ҳамда фермер хўжаликлари сабзавот, полиз ва картошка уруғлари, мена ҳамда узум кўчатлари учун 9 миллиард 600 миллион сўм кредит ажратилди, бу кўрсаткич 2008 йилдагига нисбатан 38 фоизга кўпдир.


Қишлоқ хўжалик корхоналарини қишлоқ хўжалик техникалари билан таъминлаш мақсадида жами 100 миллиард сўмдан ортиқ кредит ажратилиб, дон ўриш комбайнлари, чопиқ ва ер ҳайдов тракторлари ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик техникалари харид қилинди.

Банк томонидан 2010 йилда республика аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда нарх-навони пасайтиришга қаратилган дастур банкнинг барча 185 та туман филиаллари бўйича ишлаб чиқилган бўлиб, бу лойиҳаларни амалга ошириш учун ажратилган кредитлар ҳисобига ўтган йилга нисбатан 1,5 баробардан кўп қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади, қайта ишланади ҳамда 11 928 та янги иш ўринлари яратилади.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ҲАМЮРТЛАР, АГРОБАНК ФИЛИАЛЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ!



Нафосат ва маҳорат кўриги



Кейинги йилларда юртимизда хотин-қизлар спорти...

Осиё чемпионати қизгин ва мурасасиз кечиши кутилмоқда...

Мусобақа катнашчилари яқна ва гуруҳ машқлари...

СПОРТ СПОРТ

Жаҳон чемпионатида Ўзбекистон номи янграйди!



Шу йилнинг ёзида Жанубий Африка Республикасида футбол бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтади...

лар учун фитнес-тест ўтказилган пайтда Абдухамид Расулов бегоб бўлганлиги...

Жаҳон чемпионати яқинлашган сайин армонлари ўртанавтга сайин миллионлаб спорт мухлислари...

гани эмас. Абдухамид кейинчалик фитнес-тестни аълога топширди...

Маълумотларга қараганда, жаҳон чемпионатида 24 та асосий ва олтин захира ҳакам фаолият кўрсатиши кўзда тутилган...

Раҳмат, 5 февраль кунини ФИФАнинг интернетдаги ҳакамлар учун махсус ўқув сайтида ишлаб ўтирган...

Муҳлисларга маълумки, сиз шу пайтгача лэйсмен Абдухамид Расулов билан бирга ишлаб келатгандингиз...

Эркин ХОЛБОБОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири. Суратда: ФИФА рефериси Равшан Эратмов (ўнгда) ҳамда лэйсмени Рафаэль Ильясов.

тайёргарлиги биринчи ўринда туради. Чунки, жаҳон чемпионатида ер куррасининг энг кучли терма жамоалари...

Жаҳон чемпионатида қатнашиш биринчи бўлиб миллий терма жамоамизга эмас...

Ҳакам кўп ўқиши, изланиши, жисмоний жиҳатдан чинкиб бориши даркор...

Эркин ХОЛБОБОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири. Суратда: ФИФА рефериси Равшан Эратмов (ўнгда) ҳамда лэйсмени Рафаэль Ильясов.

Канаданинг учинчи олимпиадаси

Шу кунларда бутунжаҳон спорт жамоатчилиги ва мухлисларининг нигоҳи Ванкувер (Канада) шаҳрига қаратилган...



Тантанада сўзга чиққан Халқаро Олимпия қўмитаси президенти Жак Ротге иштирокчиларни табриқлар экан...

солиштириганда Ванкувер ва Тошкент ўртасида -13 соат фарк бор. Аммо бу кузатувчи ихлосмандлар қизиқишини асло сусайтира олмайди...

учрашувидеяёқ Финляндия хоккейчиларига 1:5 ҳисобида ютқазиб қўйишди. Бу эса учрашувлар кутилмаган натижаларга бой ўтишдан дарак бермоқда...

Барча қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

Сирдарё вилояти ҳокимлигининг қурилишда «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

2010 йилда қўйидаги иншоотни тўлиқ қуриб битказиш шарт билан пудрат танлов савдолари эълон қилади:

Table with 4 columns: №, Объектлар номи, Бошланғич нархи 20% КҚС билан (мильн сўм), Бошланғич нархи 20% КҚС билан (мильн сўм), Қурилиш муддати

Буюртмачи манзили: Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, М.Ахтамова кўчаси, 30-уй, тел: 8(3672) 27-63-86.

Талабгор сифатида қатнашадиган корхона ва ташкилотлар қўйидаги талабларга мос келишлари керак: хусус рақамда танлов савдолари предмет кўпиматининг 20% микдорини бўлиб, ёки кўрсатиб ўтилган маблағга банк кафолатномаси бўлиши, ишлар (хизматларни) баҳаршиш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, мольвий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали, ишончли бўлишлари шарт.

рур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, мольвий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

бўлса, тақлиф қўшимча қиймат солини суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда берилди.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Андижон вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

қўйидаги объектга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича қайта танлов савдолари эълон қилади:

Буюртмачи: Андижон вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси (Андижон шаҳри, А.Навоий кўчаси 45-уй. Тел: 224-19-97).

Талабгорлар қўйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи микдорини бўлиб, ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматларни) баҳаршиш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, мольвий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали, ишончли бўлишлари шарт.

нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қўйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин: Андижон ш. Б.Ҳақимов кўчаси, 14-а уй, тел/факс 224-72-79.

Табиат мўъжизаси

Азим чинорлар

Сурхондарё вилоятидаги 305 турдан ортиқ ўсимлик Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоб»ига киритилган.

Бойсундаги улкан чинорлар 9 асрнинг ғувоҳи бўлгани билан алоҳида ажралиб туради.



Олтинсой туманининг Вахшвор тоғларига қўрқ бағишлаган яна бир чинорни кўрган кишининг ҳайрати ортади.

Олтинсой туманининг Вахшвор тоғларига қўрқ бағишлаган яна бир чинорни кўрган кишининг ҳайрати ортади.

Advertisement for BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV, TAHRIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Asliddin RUSTAMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Muromdulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, G'affor HOTAMOV, Muslihidin MUHIDDINOV, Andrey KUSTOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQI DEMOKRATIK PARTIYASI, BO'LIMLARI: Partiya hayoti, Madaniyat va sport, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Mas'ul kotib, VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Denovda, MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.